



Расулulloх соллаллоху алайхи васалламга келган вахийнинг бир неча турлари борлигини юкорида ўрганиб чиқдик. Уларнинг барчаси ҳам Аллох таолонинг Расулulloх соллаллоху алайхи васалламга зудлик билан юборган, бошкалардан махфий тутилган хабаридир.

Расулulloх соллаллоху алайхи васалламга келган вахийларнинг барчаси ҳам Куръони Карим бўла олмаслигини яхши англашимиз керак. Бу борадаги шаръий матнларни яхшилаб ўрганиб чиқсак, Расулulloх соллаллоху алайхи васалламга Аллох таолодан келган вахийларнинг даражаси уч хил экани маълум бўлади:

**1. Хадиси набавий.**

**2. Хадиси кудсий.**

**3. Куръони Карим.**

Ушбу турлардан биринчиси – «хадиси набавий» одатда шунчаки «хадис» деб юритилади.

## ХАДИС, ХАДИСИ КУДСИЙ ВА КУРЪОН

Аллох таолодан Мухаммад алайхиссаломга келган вахийнинг уч тури – хадис, хадиси кудсий ва Куръон орасидаги фаркни тушуниб етиш ниҳоятда аҳамиятли ишлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Улуми Куръон олимлари ушбу мавзуга алоҳида эътибор қаратадилар. Биз ҳам Аллох таолонинг Ўзидан ёрдам сўраган ҳолда бу фаркни билиб олиш учун ҳаракат қилиб кўрамыз.

### I. Хадис.

«Хадис» сўзи араб тилида «сўз» деган маънони англатади. Демак, хадис деганда Набий алахиссаломнинг айтган гап-сўзлари кўзда тутилади ва тушунилади.

Уламолар истилоҳида эса «хадис» қуйидагича таърифланади:

«Набий соллаллоху алайхи васалламдан осор бўлиб қолган гап, иш, тақрир, халкий сифатлар, хулкий сифатлар ҳамда таржимаи ҳолга тегишли маълумотлар «хадис» дейилади».

Ушбу таъриф Мухаммад соллаллоху алайхи васалламдан осор бўлиб колган ва ишончли манбалар оркали ривоят килинган бир неча хил нарсаларни ўз ичига олмоқда. Таърифда зикри келган нарсаларга биттадан мисол келтирайлик.

1. **«Гап»**. Бунга Набий соллаллоху алайхи васалламнинг турли холат ва муносабатларда айтган гаплари киради.

Мисол учун, «Албатта, амаллар ниятга богликдир».

Мана шу муборак гапни эшитган одамлар омонат тарикасида уни эшитмаганларга етказганлар. Шу тарзда авлоддан-авлодга ўтиб, мухаддис олимгача етиб келган. Мухаддис эса илмий йўллар билан текшириб, унинг хадис эканига ишонч хосил килганидан сўнгина китобига киритган. Бу «кавий (гап) суннат» дейилади.

2. **«Иш»**. Бунда Набий соллаллоху алайхи васалламнинг килган иш-амаллари тушунилади. Айтайлик, тахорат килишлари, намоз ўқишлари, хаж ибодатини адо этишлари ва хоказо. Шунга ўхшаш амалларини кўрганлар кўрмаганларга айтиб, кўрсатиб берганлар. Бундай маълумотлар шу тарика хадис олимига етиб келган ва Пайгамбар соллаллоху алайхи васалламнинг килган ишлари сифатида асар бўлиб колган. Бу «амалий (иш) суннат» дейилади.

3. **«Такрир»**. Бу сўз бир нарсага икром бўлиш, унинг тўғрилигини тасдиқлаш, маъкуллаш маъносини англатади. Суннатдаги такрир эса Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васалламнинг сахобаи киромлар томонидан содир бўлган баъзи нарсаларни маъкуллашларидан иборат. Биргина мисол:

Холид ибн Валид розияллоху анху Пайгамбаримиз алайхиссалом юборган бир тўп лашкарга бош эди. Борган жойида жунуб бўлиб колди ва совукдан кўркиб, гусл килмасдан, таяммум билан намоз ўқиди. Унинг шериклари буни Расулulloх соллаллоху алайхи васалламга етказдилар. Шунда Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам Холид ибн Валид розияллоху анхунинг килган ишини маъкулладилар.

Маъқуллаш «Маъкул», деб айтиш билан ёки инкор килмай, индамай кўяколиш билан ҳам бўлади. Бу «такририй суннат» дейилади.

4. **«Халкий сифатлар».** Бунга Расулulloх соллalloху алайхи васалламнинг тана тузилишларидаги сифатлари киради. Пайгамбар соллalloху алайхи васалламни кўрган кишилар у зотнинг бўй-бастлари, тана тузилишлари, сочлари, кўзлари ва бошка аъзоларини батафсил васф килиб берганлар. Бу маълумотлар ҳам ривоят бўлиб, мухаддисларга, улар оркали Ислому умматига етиб келган. Масалан, имом Термизийнинг «Шамоилю Мухаммадийя» асари айнан шу масалага багишланган алохида китобдир. Барча мухаддисларимиз ҳам алохида китоб таълиф килмасалар-да, бу маънодаги хадиси шарифлардан ўзларига етганларини ривоят килиб колдирганлар.

5. **«Хулкий сифатлар».** Сахобаи киромлар Пайгамбаримиз соллalloху алайхи васалламнинг сабрлари, хилмлари, шижоатлари, сахийликлари каби барча ахлокий фазилатларини ҳам ривоят килиб колдирганлар. Бу ҳақдаги маълумотлар ҳам суннатга киради.

6. **«Таржимаи хол».** Пайгамбаримиз соллalloху алайхи васалламнинг муборак хаётлари, у зот таваллуд топганларидан бошлаб, то Робблари даргохига етгунларича бўлган таржимаи холлари ўта аниклик ва бутун тафсилотлари билан ривоят килинган. Бу бобга тегишли ривоятлар тўплами «Сийрат» дейилади.

Мухаддис уламоларимиз мана шу олти бандга тегишли хар битта маълумотни атрофлича, чуқур ўрганиб, ўз китобларига киритганлар.

## II. Хадиси кудсий.

«Хадис» лафзининг лугавий маъносини олдин ўргандик. «Кудсий» сўзи эса «мукаддас» деган маънони англатади.

Уламолар хадиси кудсийни қуйидагича таърифлайдилар:

«Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам Аллох таолодан ривоят килган нарса хадиси кудсийдир».

Хадиси кудсийга мисол келтирамиз.

0000 00000 00000000 t0 0000 000000000000r 000000: «00000000000000000000000000: 0000 0000  
0000  
00000000000  
0000000000  
0000  
000000000000  
0000000000000  
00000000  
000  
0000000  
00000000000000000  
00000000  
0000000  
000000  
0000000  
000000  
000000  
000000  
000000  
000000  
0000000  
00000000  
0000000  
00000  
00000  
00000000  
».  
00000000  
00000000000000000  
.

*Абу Саъид розияллоху анхудан ривоят килинади:*

«Набий соллаллоху алайхи васаллам дедилар:

**«Аллох таоло айтади: «Кимни Куръон ва Менинг зикрим Мендан (нималарнидир) сўр ашдан тўсган бўлса, унга сўровчиларга берганимнинг афзалини бераман. Аллохнинг каломининг бошка каломлардан фазли худди Аллохнинг Ўз махлукотларидан фазли кабидир».**

*Термизий ривоят килган.*

Ушбу хадис хадиси кудсий ҳисобланади. Чунки унда Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам Аллох таолонинг айтган гапларини ўз иборалари билан накл килмоқдалар.

*Куръони Карим билан хадиси кудсий орасидаги фарқлар.*

1. Агар Жаброил алайхиссалом Аллохнинг каломини Муҳаммад соллаллоху алайхи васалламнинг калбларига олиб келса-ю, мўъжизалиги бўлмаса, хадиси кудсий саналади. Куръони Каримнинг маъноси ҳам, сўзлари ҳам Аллох таоло томонидандир. Аллох таолонинг Ўзи араблардан унга ўхшаш калом келтиришни талаб килган, улар бунга кодир бўлмаганлар ва киёматгача ҳам кодир бўлмайдилар. Хадиси кудсийда эса бу хусусият йўқ. Унинг мўъжизалиги йўқ ва Аллох таоло араблардан унга ўхшаш нарса келтиришни талаб килмаган.

2. Куръони Карим тиловатисиз намоз бўлмайди. Аллох таолонинг бошка вахийларини, мисол учун, хадиси кудсийларни намозда ўкиб бўлмайди. Намозда ўқишга факатгина Куръони Карим хос килинган. Бу ҳам илохий Китобнинг ўзига хос сифатларидан биридир.

3. Куръони Карим факатгина Аллох таолонинг Ўзига нисбат берилади. Хадиси кудсий эса Расулulloх соллalloху алайхи васалламга хам нисбат берилади.

4. Куръони Каримнинг барчаси, хар бир харфигача тавотур ила ривоят килинган. <sup>[1]</sup> Унинг барчаси катъий собит бўлган. Хадиси кудсийларнинг кўпи мутавотир бўлмай, оход хабарлардир. Баъзи хадиси кудсийлар сахих, бошқалари хасан, яна бошқаси заиф бўлиши мумкин.

5. Куръони Каримнинг лафзи хам, маъноси хам Аллох таолодандир. Хадиси кудсийнинг маъноси Аллох таолодан, лафзи хакида ихтилоф килинган. Баъзилар хадиси кудсийнинг лафзи Аллохдан, десалар, бошқалар Аллохдан эмас, дейдилар.

«Шарху Арбаъин ан-Нававия» китобида Куръони Карим билан хадиси кудсий орасидаги фарк борасида куйидагилар айтилган:

«Куръон хадиси кудсийдан куйидагилар билан фаркланади:

– Куръони Каримни Жаброил алайхиссалом келтириши шарт. Хадиси кудсийда бу шарт йўқ.

– Куръони Каримнинг маъносини ривоят килиб бўлмайди. Хадиси кудсийнинг маъносини ривоят килса бўлади.

– Куръони Каримнинг лафзи Аллох таолодандир. Хадиси кудсийнинг лафзи Аллох таолодан бўлиши шарт эмас.

– Куръони Каримни тахорат билангина ушлаш мумкин. Хадиси кудсийда бу шарт йўқ.

– Куръони Карим кироати намозда фарздир. Хадиси кудсийни намозда ўкиб бўлмайди. Агар касддан ўкилса, намоз бузилади.

– Куръони Каримнинг хар бир калимаси тиловатига ўн савоб берилади. Хадиси кудсийда бундай эмас.

– Куръони Каримнинг бир харфини инкор килган одам кофир бўлади. Хадиси кудсийни инкор килган ёки санади тўғри эмас, деган одам эса кофир бўлмайди.

– Куръони Карим тавотур ила собит бўлган. Хадиси кудсий ундай эмас».

Кўшимча тарзда айтиб ўтиш керак бўлган нарсалардан бири шуки, хадиси кудсийлар оз бўлиб, уларнинг сони мингтача. Ўша ададнинг ичида сахиhi хам бор, заифи хам бор.

III. Хадиси набавий.

Набий соллаллоху алайхи васалламнинг хадислари иккига бўлинади:

1. Аллох таолодан фаришта Жаброил алайхиссалом оркали вахий килинганлари.

Жаброил алайхиссалом Мухаммад соллаллоху алайхи васалламга Куръони Карим оятларидан бошка вахийларни хам келтириб турганлари маълум ва машхур. Ана шу қисм вахийлар Суннат сифатида ворид бўлган. Бу хилдаги Суннатни Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам кишиларга етказганлар. У зотнинг етказишдан бошка ҳеч қандай дахллари бўлмаган. Бунга мисол тарикасида имом Абу Мухаммад ибн Қутайба «**Аёл киши ўз аммаси ёки холаси устига никохланмас**» деган хадисни келтирадилар. Бу хадис вахий бўлиб, унинг маъносини Жаброил алайхиссалом Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васалламга етказганлар. У зот хам ўз навбатларида мусулмон умматига етказганлар ва ҳаётга татбиқ килганлар. Мазкур хадис ворид бўлганидан бошлаб ҳамма мусулмонлар учун амма ёки хола устига уларнинг киз жиянини кундош килиб олиш харом бўлган. Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам «Бу ҳукмдан фалончи истисно», деб айта олмаганлар.

2. Набий соллаллоху алайхи васалламга Жаброил алайхиссалом оркали вахий килинган эмас, балки у зотнинг ўзлари ижтиҳод этганлари.

Бундай нарсаларнинг асосий коидаларини ва мақсадларини Аллох таолонинг Ўзи Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васалламга баён килиб берганидан сўнг, Мухаммад соллаллоху алайхи васаллам уларни ўз ижтиҳодлари ила баён килганлар. У зот соллаллоху



алайхи васалламнинг бу борадаги ижтиходлари ҳам вахий ўрнида бўлган. Агар хато бўлса, Аллох таоло тўғрилаб қўйган. Бу қисмдаги Суннатда Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васалламнинг баъзи тасарруфотлар қилишга ҳақлари бўлган.

Мисол учун, Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам эркак мусулмонлар учун ипак кийим кийиш ҳаром эканини баён этганларидан кейин, Абдуррахмон ибн Авф розияллоху анху ўзларининг ҳасталиклари ипак кийишни такозо этишини айтиб, у зотдан изн сўраганларида, у кишига ипак кийим кийишга рухсат берганлар. Агар бу ҳукм Жаброил алайҳиссалом келтирган вахий бўлганида, Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам ҳеч қачон ўзларича рухсат бермаган, балки бошқа ҳолатлардаги каби, Аллох таолодан бирор хабар қилишини кутган бўлар эдилар.

Ҳадис китобларимизда келтирилган ривоятларнинг аксарияти ушбу қисмга – Мухаммад Мустафо соллаллоху алайхи васалламдан пайгамбарликни етказиш юзасидан содир бўлган икки хил Суннатга тааллуқлидир. Ислом шариатининг аҳкомларига тегишли барча нарсалар – ибодат, эътиқод, охират, одоб-ахлоқ, солиҳ амалга тарғиб қилиш, ёмонликлардан қайтариш каби ишлар шулар жумласига қиради. Аллох таоло Қуръони Каримнинг Ҳашр сураси, 7-оятда: **«Расул сизга нимани берса, ўшани олинглар ва нимадан кайтарса, ўшандан кайтинглар»**, деганда, айнан шу турдаги Суннатни қасд қилгандир.

Демак, Расулulloх соллаллоху алайхи васалламнинг ҳадисларининг маъноси Аллох тарафидан, лафзи у зот соллаллоху алайхи васалламнинг ўзларидандир.

**Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф**

*Қуръон илмлар китобидан*

---

□ «Тавотур» – ёлгонга қелишиб олишлари мумкин бўлмаган, ниятда қўп сонли ровийлар томонидан ривоят қилинган бўлиш. Бундай ҳадис мутавотир дейилади. «Оход» – ровийларининг сони мутав

отир д

аражасига

етмаган

хадис